

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06. 2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАМИДОВА МУБОРАК ҲАФИЗОВНА

**ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ДЕОПОЭТОНИМЛАРНИНГ
ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ҲАМДА ЛИНГВОСТИЛИСТИК ТАДҚИҚИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам
The contents of the dissertation abstract of a Doctor of Philosophy (PhD) in Philology

Хамидова Муборак Ҳафизовна

Француз ва ўзбек тилларида деопозитонимларнинг лексик-семантик
ҳамда лингвостилистик тадқиқи..... 3

Хамидова Муборак Ҳафизовна

Лексико-семантическое и лингвостилистическое исследование
деопозитонимов во французском и узбекском языках..... 21

Khamidova Muborak Hafizovna

Lexico-semantic and linguostylistic study of deopoetonyms in the French and
Uzbek languages..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications..... 46

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06. 2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАМИДОВА МУБОРАК ҲАФИЗОВНА

**ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ДЕОПОЭТОНИМЛАРНИНГ
ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ҲАМДА ЛИНГВОСТИЛИСТИК ТАДҚИҚИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Fil1175 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.buxdu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали манзили (www.ziyo.net) га жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ўраева Дармон Саидахмедовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қаршибаева Улжан Давировна
филология фанлари доктори, профессор

Камолова Санобар Жабборовна
филология фанлари бўйича фалсафа доктори,
доцент

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «06» август соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0365) 221-29-14, факс: (0365) 221-27-57, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (76 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0365) 221-25-87).

Диссертация автореферати 2021 йил «24» июль да тарқатилди.
(2021 йил «24» июль даги 21009 рақамли реестр баённомаси.)



М.Қ.Бақоева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, ф.ф.д.

З.И.Расулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.н., доцент

М.М.Жўраева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб алоҳида соҳа сифатида шаклланиб улгурган ономатология йўналишидаги илмий изланишлар янги босқичга кўтарилди. Мазкур жараёнда онимларнинг салмоқли улуши ҳисобланган, табиий ҳодисалар номини ифодаловчи сўзлар – деопозтонимларнинг холистик таҳлилини турли тизимли тиллар доирасида амалга ошириш зарурати пайдо бўлди. Шу асосда француз ва ўзбек тиллари деопозтонимларининг генезиси, тилдаги объектив ўрни, бадиий дискурда контекст поэтикасини таъминлаш ва тагматн ҳосил қилиш каби лисоний-услубий функцияларини лингвистик ва экстралингвистик нуқтаи назардан талқин қилиш матн лингвистикаси, лексикография, лингвопсихология, социолингвистика соҳаларида амал қилаётган тил ва нутқ қонуниятларини тизимли ёндашув асосида идрок қилиш, таржима майдонларида қиймат назариясини татбиқ этиш имконини беради.

Дунё ономатологиясида француз тили лексикони, жумладан, деопозтонимларининг келиб чиқиш негизлари, таркибий-мазмуний, шартланиши, қўлланиш қўламини бошқа тиллар билан қиёсда ўрганишга бағишланаётган тадқиқотлар салмоғи ортиб бормоқда. Бунинг мантикий натижаси сифатида француз ва ўзбек тиллари деопозтонимларининг тилда лексик-семантик, миллий-маданий, бадиий матн кенглигида эса лингвостилистик, поэтонимик, гендерлик, хусусиятларини чоғиштириш тилшунослик соҳасида устуорлик ва долзарблик касб этди. Зеро, мазкур бирликларнинг семантик-стилистик потенциалини аниқлаш, турли тизимли тиллар доирасида номланишидаги умумий ва дифференциал мотивацион жиҳатларини изоҳлаш деопозтонимларнинг луғатларда берилиш тизимини мукамаллаштиришга, таржима жараёнида аслият ва ўгирмааро функционал мутаносиблик, адекватликка эришиш қонуниятларини белгилашга хизмат қилади.

Мамлакатимизнинг бугунги кундаги жадал ривожланиш босқичида “Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт”лиги¹ ўзбек тилшунослиги олдига ҳам назарий тадқиқотларни жаҳон андозалари даражасига юксалтиришдек устувор вазифаларни қўйди. Бу борада тилимиздаги деопозтонимларнинг лисон ва нутқдаги ўрнини, лингвостилистик, этнолингвистик жиҳатдан мотивлашиш асосларини очиш, лексикографик манбаларини яратиш, бадиий матнда қўлланиши билан боғлиқ лингвопоэтик белгиларини ёритишга оид тадқиқотлар жаҳон адабиёти тилининг типологик хусусиятларини аниқлаш баробарида миллий-лисоний белгиларини билиб олишга кенг йўл очади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь. – № 258 (6952).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 12 январдаги Ф-4789-сон «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 376-сон «Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларига таржима қилиш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг: I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кейинги йилларда жаҳон тилшунос ва адабиётшунослари томонидан ономастик бирликларнинг бадий матндаги ўрни масаласига алоҳида диққат қаратилиб, улар бадий матннинг мазмундорлигини, кўпқатламлилигини таъминловчи поэтик восита сифатида баҳоланмоқда. Ономастик бирликлар бадииятига бағишланган бундай тадқиқотлар орасида В.Н.Михайлов, Э.Б.Магазаник, Л.И.Колоколова, С.И.Зинин, В.М.Калинкин каби олимлар томонидан олиб борилган изланишлар эътиборлидир².

Тилшуносликда ономапоэтиканинг шаклланишига олиб келган бундай илмий тадқиқотлар ўзбек тилшунослигида ҳам мавжуд. Бу жиҳатдан И.Мирзаев, А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, М.Яқуббекова, М.Йўлдошев, Д.Анданиязоваларнинг ономастик бирликлар бадииятини ўрганишга ёхуд бадий матннинг лингвопоэтик хусусиятларини, бирор-бир ижодкорнинг тилдан фойдаланиш поэтик маҳоратини ёритишга йўналтирилган тадқиқотлари илмий-назарий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга³.

² Михайлов В.Н. Собственные имена персонажей русской художественной литературы XVIII и первой половины XIX в., их функции и словообразование: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1956; Магазаник Э.Б. Поэтика имен собственных в русской классической литературе: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Самарканд, 1967; Колоколова Л.И. Ономастика в художественной речи А.П.Чехова: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Киев, 1970; Зинин С.И. Имена персонажей в художественной литературе и фольклоре / С.И. Зинин, А.Г. Степанов // Антропонимика. – М., 1970. – С. 330–355; Калинкин В.М. Теоретические основы поэтической ономастики: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Киев, 2000; Калинкин В.М. Поэтика онама. – Донецк, 1999.

³ Мирзаев И.К. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1992; Нурмонов А. Тилшуносликнинг адабиёт билан муносабати // Танланган асарлар. 3 жилдли. – Тошкент: Академнашр, 2012. – 3-жилд. – Б. 163; Маҳмудов Н. Ойбек шеърлятидаги

Ономастик бирликларнинг услубий хусусиятлари ҳақида айтилган айрим фикрлар ҳам мавжуд⁴. Ономастик бирликларнинг бадиий матндаги ўрни, лингвопоэтик хусусиятлари тавсифи, ўзбек адабиётининг айрим намуналарида қўлланган ономастик бирликларнинг лингвопоэтик таҳлил тамойиллари Д.Р.Анданиязова “Бадиий матнда ономастик бирликлар лингвопоэтикаси” мавзусидаги диссертациясида махсус, монографик тарзда тадқиқ қилинган⁵. Д.Ваққосова ўзбек тилидаги анемонимларнинг семантик таҳлилини, А.Алиқулов ел-ёгин луғавий-маъновий гуруҳи тизими, қўлланилиши ва лексикографик талқинини тадқиқ қилишган⁶. Аммо ономастик бирликларнинг бир тури бўлган деопозитонимларнинг лексик-семантик, функционал-услубий, лингвопоэтик хусусиятлари турли тизимли (жумладан, француз ва ўзбек) тиллар кесимида қиёсий-типологик жиҳатдан таҳлил ва тадқиқ қилинмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Бухоро давлат университетининг “Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни ўрганишни янада ривожлантиришнинг афзалликлари” мавзуидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади француз ва ўзбек тилларидаги деопозитонимларнинг лисоний тизимдаги ўрнини, идеографик асосларини, нутқий воқеланишидаги бадиий-эстетик вазифаларини, лексик-семантик, лингвостилистик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

француз ва ўзбек тилларидаги деопозитонимларни аниқлаш, уларнинг тил тизимида тутган ўрнини идеографик асосда текшириб, табиий ҳодисалар микромайдонини ташкил этган бирликларнинг лисоний табиатини очиш, ҳар бирига хос умумий ҳамда хусусий белгиларни кўрсатиш;

ўхшатишларнинг лингвопоэтикаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1985. – № 6. – Б. 48-51; Шу муаллиф. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг лингвопоэтикасига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1987. – № 4. – Б. 34-36; Шу муаллиф. Шайхзода сўзининг лингвопоэтикасига чизгилар / Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. Илмий-назарий анжуман материаллари. – Тошкент, 2009. – Б. 12-17; Якуббекова М.М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2005; Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2000; Шу муаллиф. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2009.

⁴ Каримов Қ. «Кутадғу билиг» асарида учрайдиган шахс номлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1967. – № 2. – Б.42; Қиличев Э. Айний асарларидаги антропонимларнинг стилистик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1978. – № 4. – Б. 22; Ёқубов Ш. Навоий асарлари ономастикаси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1994; Рашидова М. Ўзбек тилидаги лақабларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари. – Тошкент: Иқтисод-молия, 2008; Хусанов Н. Ўзбек антропонимлари тарихи. – Тошкент: Наврўз, 2014.

⁵ Анданиязова Д.Р. Бадиий матнда ономастик бирликлар лингвопоэтикаси: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). – Тошкент., 2017. – 48 б.

⁶ Ваққосова Д.В. Ўзбек тилидаги анемонимларнинг семантик таҳлили: Филол. фан. номз ... дис. автореф. – Фарғона, 2005. – 22 б.

⁶ Алиқулов А.Ф. “Ел-ёгин” луғавий-маъновий гуруҳи (tizimi, қўлланилиши ва лексикографик талқини): Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 19 б.

француз ва ўзбек деопозтонимларини табиий, табиий-руҳий ходисаларни номлашига кўра лексик-семантик жиҳатдан тавсифлаш ва таснифлаш орқали нутқда намоён бўлиш шакллари аниқлаш;

деопозтонимларнинг лингвостилистик, парадигматик ва синтагматик хусусиятларини бадиий матнларда воқеланиши мисолида далиллаш;

деопозтонимларнинг табуга алоқадорлик, гендерлик, интенсивлик белгиларини асослаш;

деопозтонимларнинг бадиий матнда образлантирилишига хос стилистик усулларни ёритиш;

деопозтонимли метафорик бирликлар тузилишини, ифода воситаларини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида француз ва ўзбек тилларидаги деопозтонимлар тизими, улардан фойдаланиб яратилган бадиий матнлар танланган.

Тадқиқотнинг предметини француз ва ўзбек тилларидаги деопозтонимларнинг ўрнини идеографик асосда текшириш ҳамда бадиий нутқда воқеланиши билан боғлиқ шаклий, маъновий, услубий жиҳатлари, лингвостилистик, лингвопоэтик, прагматик хусусиятлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий-типологик, синхрон-тасвирий, систем ва компонент таҳлил, таснифлаш ва элементар статистика методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

француз ва ўзбек тиллари деопозтонимларининг лингвостилистик хусусиятлари ва лексик-семантик моҳияти ҳар иккала халқ тилининг миллий-лисоний, номинацион-мотивацион, уларнинг яшаш табиий-иқлим шароити, тил ва нутқ маданияти, миллий менталитети, дунёқараши, руҳияти, эътиқодий тушунчалари, ўзига хос урф-одат ва маросимлари, поэтик тафаккури каби омиллар интеграцияси негизида шаклланганлиги асосланган;

француз ва ўзбек бадиий контекстида табиий ҳодиса номлари деопозтонимлар кўринишида интертекстуалликни ҳосил қилиш, рамзий маънода ишлатилиб, бадиий матннинг эстетик таъсирчанлигини ошириш, поэтик матнни шакллантириш, ижодкорнинг муайян табиат ҳодисасига субъектив баҳоси ва муносабатини кўрсатиш, улар орқали ўз ички кечинмаларини ифодалаш каби лингвопоэтик функцияларни бажариши исботланган;

қиёсланаётган тиллар бадиий дискурсида лирик қаҳрамоннинг руҳий кечинмалари, кайфиятини ифодалашда шамол, булут, қор, ёмғир, туман, момақалдирак, чакмоқ, шудринг, ғубор, ўлим каби нейтрал моҳият касб этадиган табиий ходисалар деопозтонимларни, инсон ҳаёти учун хавф-хавотир соладиган салбий моҳиятга эга бўлган табиий офатлар номи анемонимларни ҳосил қилиши далилланган;

ҳар иккала тил деопозтонимлари семантик валентлигига қараб аниқловчи танлашда уларнинг коннотатив ва денотатив маънолари, маъносидаги кучлилиқ-кучсизлик, ижобийлик-салбийлик, услубий ҳосланганлик, даражаланиш, шакл ва маъно муносабати, тарихийлик

омилларининг бирламчи эканлиги ва айнан шу ҳолатлар деопозтонимлар таржимасида адекватликни таъминлай олиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

француз ва ўзбек деопозтонимларининг лексик-семантик моҳияти, миллий-лисоний, номинацион-мотивацион, услубий хусусиятлари уларнинг яшаш табиий-иқлим шароити, тили, маданияти, миллий менталитети, дунёқараши, руҳияти, эътиқодий тушунчалари, ўзига хос урф-одат ва маросимлари, поэтик тафаккур тарзи билан чамбарчас боғлиқлиги исботланган;

деопозтонимларнинг лингвопоэтик бирлик сифатидаги хусусиятлари жаҳон тилшунослигининг энг сўнгги ютуқлари асосида аниқланган;

француз ва ўзбек деопозтонимлари бўйича тўпланган материаллар, умумлашма ва хулосалар ҳозирги қиёсий тилшунослигимиз учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, «Лексикология», «Матн лингвистикаси», «Стилистика», «Ўзбек тили тарихи», «Қиёсий тилшунослик» каби фанлардан яратилажак янги дарслик ва қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, чиқарилган хулосаларнинг қиёсий-типологик, синхрон-тасвирий, систем ва компонент таҳлил, таснифлаш ва элементар статистика каби усуллар билан асосланганлиги, назарий ғоялар ва маълумотлар расмий манбалардан олинганлиги, берилган илмий-назарий таклиф ва тавсиялар амалда синовдан ўтказилганлиги ҳамда натижалар ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти француз ва ўзбек деопозтонимларининг тарихий-этимологик, лексик-семантик, функционал-стилистик тизимдаги лингвопоэтик хусусиятлари бўйича чиқарилган илмий-назарий хулосалардан ҳар бир тил тизимидаги турли поэтонимлар белгиларини чоғиштирма аниқлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий ва ўрта махсус, умумтаълим тизимида тил ва нутқ ҳодисаларини фарқлаш, бадий матн таҳлиliga эришиш, адабий манбаларнинг қиёсий тил таҳлили бўйича махсус курс ва семинарлар ўтиш, “Ҳозирги ўзбек адабий тили”, “Ҳозирги француз тили” фанларининг ономастика, лексикология, семасиология, лексикография қисмлари ва «Лингвопоэтика», «Матн лингвистикаси» фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида хорижий тилларни ўрганишга ташвиқни кучайтириш учун хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Француз ва ўзбек тилларида деопозтонимларнинг лексик-семантик ҳамда лингвостилистик тадқиқини амалга ошириш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

деопозтонимларнинг луғавий градуонимик қаторларни бериш, яқин тушунчаларни, коннотатив ва денотатив маъноларни ифодалаш, француз ва ўзбек тилларидаги анемоним, метероним ҳамда деопозтонимларнинг бадий

матнларда лингвопоэтик хусусиятларини белгилашга доир хулосалардан Ф-1-06 “Истиклол даври ўзбек адабиётида Шарқу Фарб адабий анъаналари синтези” мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 12 августдаги 89-03-2792-сон маълумотномаси). Натижада миллий тилдаги лингвопоэтик воситаларнинг бадиий нутқдаги ўрни ва ролини асослаш имконини кенгайтиришга эришилган;

француз ва ўзбек тилларида деопозтонимларнинг осмонда ҳавода, ерда куруқликда, ерда сувликда юз бериши, ҳаракатининг ёғиш, иниш, эсишга асосланиши жиҳатидан турли табиий ҳодисаларнинг умумий номини билдириб келиши билан турли макро ва микроқўламларда намоён бўлиши билан боғлиқ хулосалардан Ф1-ХТ-19919 – “Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётидаги тутган ўрни” мавзусида фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 13 августдаги 88-87-1472-04-сон маълумотномаси). Натижада мифологик, хаёлий уйдирмага асосланган тасаввур-тушунчани ўзига сингдирган мифодеопозтонимлар генезиси ва поэтик хусусиятларини ҳамда ўзбек мифологиясининг ўзига хос образлар тизимига эга эканлигини асослашга хизмат қилган;

деопозтонимларнинг тарихий ва замонавий ясалишига кўра диахроник ва синхроник характери, сўзлашув ва китобий услубга дахлдорлиги, фаол ва нофаоллиги, бошқа луғавий бирликлар (антропоним, топоним, зооним, мифоним) билан ўзаро алоқада турли нарса-ҳодисалар номига айланиши мумкинлиги, эмоционал-экспрессив бўёқдор ёки бўёқсиз сўзлардан иборатлиги, модификацион семанинг кучли-кучсиз даражаланиши билан боғлиқ хулосалардан Европа Комиссиясининг Эрасмус+ дастури доирасида амалга оширилаётган “TALENT – Establishing Master Programmes in Human Resource Management and Talent Development in Central Asia” халқаро лойиҳада фойдаланилган (Бухоро давлат университети Халқаро бўлимининг 2021 йил 12 июндаги №05-0010 сонли маълумотномаси). Натижада француз тилида ишлаб чиқилган 8 та махсус курснинг ўзбек тилига ўгирилиши жараёнида тарғибот материалларини жорий этишнинг илмий-амалий аҳамияти исботланган ва матнларнинг лексик, семантик қатламидаги лексемаларнинг лингвостилистик хусусиятларини тил ўзлаштириш асоси сифатида талқин этишга имкон берган;

табиат ҳодисаларини англатувчи сўзларнинг бадиий матнларда турли поэтик мақсадларда фойдаланишига, асар сарлавҳаси даражасига кўтарилишига доир хулосалардан “Бухоро” телеканалининг “Менга сўз беринг”, “Ассалом, Бухоро”, “Жаҳон тамаддуни дурдоналари”, “Асрларнинг асраганлари” телекўрсатувлари, “Бухоро” радиосининг “Мулоқот ва мунозара”, “Қадриятлар қадим бешиги” радиоэшиттиришлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 10 августдаги 1/162-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу телекўрсатувлар учун тайёрланган

материалларнинг мазмуни мукамаллаштирилиб, илмий далилларга бой бўлишига эришилган ва кўрсатувнинг илмий-оммабоплиги таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 11 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 5 та республика, 6 та хорижий конференцияларда қилинган маърузаларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 21 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, улардан 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 146 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Француз ва ўзбек тиллари идеографик тизимида деопозтонимларнинг шаклланиш асослари”** деб номланган биринчи боби уч фаслдан таркиб топган бўлиб, унинг илк фасли **“Тилда деопозтоним тушунчасининг моҳияти ва таснифланиш асослари”** деб аталган. Бу фаслда деопозтонимлар поэтик ономастикага хослиги, ички турлари, тил ва адабиёт интеграцияси маҳсули сифатида юзага чиқиши туфайли лингвопоэтик ҳодиса сифатида қаралиши изоҳлаб берилган.

Деопозтонимларни бошқа ономастик бирликлар қатори лингвопоэтик жиҳатдан муайян вазифаларни бажаришга хосланганлигига кўра лингво+поэтика бирлигига асосланган тамойиллар асосида ўрганишга тўғри келади. Шу асосда улар бадиий матнда: *биринчидан*, бадиий-эстетик таъсирчанликни юзага келтириш; *иккинчидан*, салбий ёки ижобий маънони юзага чиқариш; *учинчидан*, аллюзив ном сифатида матнни шакллантириш ҳамда интертекстуалликни таъминлаш⁷; *тўртинчидан*, сатирик ифодани яратиш; *бешинчидан*, инсон руҳий ҳолати ёки вазиятини, умуман, ифодаланаётган воқеликни баҳолаш, унга экспрессив, эмоционал ҳамда интенсив муносабатни ифодалаш; *олтинчидан*, ижодкор услубини белгилаш, *еттинчидан*, асар моҳиятини англаш ва англатиш мақсадида риторик мурожаат билан чиқиш мақсадларида қўлланиши аёнлашади.

⁷ Анданиязова Д.Р. Бадиий матнда ономастик бирликлар лингвопоэтикаси: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2017. – Б.13.

Деопозитонимлар бадий матн билан боғлиқ ҳодисалар сифатида, одатда, ижодкор бадий мақсадига мувофиқ қўлланади ва бунда турли экспрессив, интенсив хусусиятларини намоён этади. Шу билан ўзининг муайян бадий юкка, поэтик қимматга эга эканини кўрсатади. Бундан англашиладики, бадий матндаги табиий ҳодисаларни ифодалаб келган ҳар қандай сўз ёки ном эмас, балки ижодкор бадий ниятини ёритишга хизмат қилган табиий ҳодиса номларигина деопозитоним ҳисобланади. Муайян табиий ҳодиса маъносини англаиб, уни атаб келувчи ҳамда ижодкор бадий нияти, субъектив муносабатига мувофиқ поэтик вазифага йўналтирилган бундай лексик бирликлар “*деопозитонимлар*” деб аталади. Улар бошқа ономастик бирликлар каби бадий матнда ономастик метафора, аллюзив ном, “сўзловчи” ном каби лингвопоэтик вазифаларда келади.⁸

Бадий матнда қўлланувчи деопозитонимларни моҳиятига кўра қуйидаги кўринишларга ажратиш мумкин: 1. Қўл билан тутиб, кўз билан кўриш мумкин бўлган табиий ҳодиса номлари. Масалан, *қор, ёмғир, дўл, қиров, шудринг* каби. 2. Кўз кўриб, қўл билан тутиш имкони бўлмаган табиий ҳодисаларнинг номи. Масалан, *булут, туман, момақалдироқ, чақмоқ, тўзон, камалак* каби. 3. Кўз ҳам кўрмайди, қўл ҳам тутмайди, фақат ҳис қилиш мумкин бўлган табиий ҳодисалар. Масалан: *шамол, шабада, гармсел, zilzila* сингари.

Бадий матнда қўлланиб келадиган бу каби ҳар учала табиий ҳодисаларни “реал деопозитонимлар” деб санаш мумкин. Лекин улар орасида мифодеопозитонимлар, урбандеопозитонимлар ҳам учрайди.

Мифодеопозитонимлар мифологик тасаввур-тушунчаларнинг тилда ва бадий ижодда интеграциялашуви натижасида келиб чиққан. Мифодеопозитонимларга хос муҳим белгилардан бири шундаки, уларнинг илдизи энг қадимги анимистик тасаввурлардан иборат мифологик қарашларга бориб тақалади. Шунинг учун афсонавий, сирли мазмун касб этиб, бир асардан иккинчи асарга ўзгаришсиз кўчиб ўтувчи анъанавий номлар ҳисобланади. Масалан, Аямажуз улардан бири бўлиб, қишнинг тугаши ва баҳорнинг бошланиши даврида юз берадиган 6-10 кунлик табиат инжиқликлари билан ажралиб турадиган мавсумий даврдир. Халқимиз орасида уни “айём” деб ҳам атайдилар. Бу давр барча халқлар тақвимида қайд қилинган. Французларда февраль ойининг сўнгги уч куни билан март ойининг дастлабки уч куни ёки март ойининг охириги уч куни билан апрель ойининг бошланғич уч куни – жами олти кун “бахтсиз ва омадсиз кун” сифатида талқин қилинади ҳамда уни “кампир кунлари” деб аташади.⁹

Мифодеопозитонимларнинг бадий матнга олиб кирилиши аллюзия усули бўлиб, у бадий ижодда кенг тарқалган ҳодисалардан биридир. Улар аллюзив ном сифатида бадий матнда катта ҳажмли хабар-тушунчани ихчам

⁸ Анданиязова Д.Р. Баий матнда ономастик бирликлар лингвопоэтикаси: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2017. – Б.12.

⁹ Булатова А.Г., Булатов А.О. Некоторые религиозные верования и мифологические представления дагестанцев, связанные с календарем. // Проблемы мифологии и верований народов Дагестана. – Махачкала, 1988. – С. 43.

шаклда ифодалаш имкониятини бера олади. Масалан, бадий матнда кўлланган Ҳайдар номи шамол, Азроил номи ўлим ҳодисалари билан боғлиқ аллюзив номлардир.

Маълумотларга кўра, юнон мифологиясида Зефир (Zephyros) ғарбий шамол маъбуди номи сифатида тилга олинади.¹⁰ Шунингдек, баъзи бадий матнларда учрайдиган Эльма номи ҳам мифодеопоэтоним бўлиб, муқаддас Эльма оловига ишора қилади. У табиатнинг ноёб, энг кам кузатиладиган ҳодисаларидан бири бўлиб, одатда, момақалдиروقдан олдин кўриниш беради. Бу мифодеопоэтонимни денгизчилар ўз ҳимоячиси, сифатида талқин қилишади.¹¹

Урбандеопоэтонимлар бадий асарларда ички шаҳар объекти, маданий қиммат касб этадиган, масалан, истироҳат-боғи комплекси кабилардан иборат бўлади. Масалан, бунга Қоҳирада барпо этилган ва XIX аср охири ва XX аср бошларигача сайёҳлар ўртасида машҳур бўлган “Эзбек” истироҳат боғи мажмуасини мисол қилиш мумкин.

Француз ва ўзбек тилларидаги деопоэтонимлар лексик-семантик моҳияти, миллий-лисоний, номинацион-мотивацион, услубий хусусиятлари ҳар иккала миллатнинг яшаш табиий-иқлим шароити, тили, маданияти, миллий менталитети, дунёқараши, руҳияти, эътиқодий тушунчалари, ўзига хос урф-одат ва маросимлари, поэтик тафаккур тарзи билан чамбарчас боғлиқдир. Шуниси борки, француз шеъриятида ҳам, ўзбек шеъриятида ҳам *шамол, булут, қор, ёмғир, туман, момақалдиروق, чақмоқ, шудринг, зубор, ўлим* сингари қатор табиий ҳодисалар номлари лирик қаҳрамоннинг руҳий кечинмаларини, кайфиятини, бадий ифодалаш мақсадида кенг қўлланади. Улар бадий матнда учраганда деопоэтонимлар ҳисобланади.

Биринчи бобнинг “Анемоним ва метерионимлар” номли иккинчи фаслида инсон ҳаёти учун хавф-хавотир соладиган табиий офатлар номини ифодалаб келувчи махсус лексика хусусида фикр юритилган. Анемоним грекча – “шамол” дегани бўлиб, бадий матнда қўлланилган табиат офат номларини англатади. Улар табиий офат номларининг бошқа табиат ҳодисаларидан индивидуаллигини, ўзига хос белгиларига кўра алоҳида қайд этилишини (идентификацияланишини) англатади.

Анемонимларнинг келиб чиқиши ва ривожланишига инсонларнинг яйлов чорвачилиги, деҳқончилик билан боғлиқ турмуш тарзи асосий омил бўлган. Шамолнинг табиий офат сифатида мавжуд бўлган бўрон, тўфон, довул сингари кўринишлари бўйича номланиши “анемоним” ҳисобланса, уларнинг кучига қараб номланиши “метеоним” саналади.¹² Биргина метеоним шамолнинг иккита хусусиятини англатиб келиши мумкин.

Ўзбек халқи орасида фаслларнинг умумий атамага айланган ўз номлари ҳам борки, улар замонавий номланишига тўлиқ мос келмайди. Масалан,

¹⁰ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 2-жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.146.

¹¹ www.http. Краткий словарь терминов и понятий литературной ономастики (поэтономологии).

¹² Доржиева Г.С., Языкова А.А. Мотивационные значения байкальских анемонимов // Вестник Бурятского государственного университета. – 2016. – Вып. 5. – С.9.

баҳман, ялдо, аҳман-даҳман, қантар кабилар йилнинг энг совуқ даврларини англади, киш мавсумининг декабрь-январь ойларига тўғри келади.

Барча тилларда шамол турларини номлашда уларнинг номенклатура белгилари сифатида кўпроқ кучлилиги, тезлиги, барқарорлиги ва йўналиши эътиборга олингани кузатилади. Л.З.Прох томонидан махсус “Шамоллар луғати” тузилган бўлиб, унда дунё шамолларининг 1405 номи дунёнинг 59 тилида 1845 та ёзувда қайд этилган. Шулардан энг кўпини француз тилидаги шамол номлари ташкил қилган. Ундан сўнгги ўринларни рус ва инглиз тилидаги шамол номлари эгаллаган.¹³

Шамоллар турли хил хусусиятларга кўра бир неча хил номлар билан кўрсатилади: 1. Кучига кўра шамол номлари: а) шиддатли, кўрқинчли, кучли эсувчи шамоллар: бўрон, тўфон, довул; б) кучсиз, сокин эсувчи шамоллар: шамол, шабада, ел, насим. 2. Кучининг давомийлигига кўра шамол номлари: кучли шамол, қаттиқ шамол, шиддатли шамол, яланғоч шамол. 3. Йўналишининг доимийлигига кўра шамол номлари: тоғ шамоли, чўл шамоли, дарё шамоли, денгиз шамоли, ўзгарувчан шамол. Умуман айтганда, куч ва тезлик, давомийлик, йўналиш шамол номланишидаги асосий параметрлардир.

Француз анемонимларини ўрганган Г.С.Доржиеванинг сўзларига кўра, шамолларнинг номлари нафақат минтақавий тилларнинг хилма-хиллиги ва ўзаро таъсирини, балки улар орасидаги яқин алоқани ҳам акс эттиради.¹⁴ Француз анемонимлари бу мамлакатнинг иқлими жуда хилма-хиллигини намоён этади. Бу эса унга хос жуғрофий жойлашув, рельеф, Атлантика океани ва Ўрта ер денгизи яқинлиги туфайлидир. Масалан, Норде (фр. nordet ёки nord-est) – Франциянинг узоқ шимолидаги совуқ ва қуруқ шимолий-шарқий шамол; шамолнинг пайдо бўлиш жойини акс эттирувчи Монтань (фр. montagne) – Ломен жанубидан эсадиган шамол, Франция рельефининг ўзига хос хусусияти сабабли Везин (фр. vesine) – водий шамоли номидир.

Шамол барча табиий ҳодисалар ўртасида энг кенг тарқалгани билан эътиборни тортади. “Рус ономастик терминологияси луғати”да ҳам Н.В.Подольская табиий ҳодиса ва офатлар номини ифодаловчи “анемоним” атамасининг бевосита юнонча “анемос”, яъни “шамол” сўзидан олинганини қайд этади.¹⁵

Аниқланган мисоллар шамолларнинг номлари келиб чиқишига ороним, ойконим, хороним ва гидронимлар ҳам таъсир қилганлигини англатади. Масалан, француз тилида оронимик хусусиятли Альбертвилль (фр. albertville) – Албертвилль водийсининг қуруқ шимолий-ғарбий шамоли; хоронимлардан, яъни Францияга Италия чегараларидан эсувчи Ван д'итали (фр. vent d'Italie), Гренобль (фр. vent de Grenoble), Борделе (фр. bordelais), Авр (голл.abra “сув”) каби анемонимлар ойконим ва гидронимлар таъсирида келиб чиққани

¹³ Прох Л.З. Словарь ветров. – Л.: Гидрометеиздат, 1983. – 157 с.

¹⁴ Доржиева Г.С. Французские анемонимы в международной ономастической терминологии. (Топонимические чтения. 2). – Улан-Удэ, 2017. – С.86-93.

¹⁵ Подольская Н. В. Словарь русской ономастической терминологии / Н. В. Подольская. – Москва: Изд-во «Наука», 1978. – С. 29.

сезилади.¹⁶ Ўзбек тилидаги “афғон шамоли” ҳам худди шундай оронимик хусусиятли анемонимлардан биридир.

Анемонимларнинг яна бир хусусияти шундаки, улар вақт, фаслларга алоқадорлик, ҳарорат белгиси, куруқлик ёки намлик даражасига, номланишида ранглар иштирокига кўра ҳам фарқланади.

Биринчи бобнинг “Бадиий ономастикада деопозитонимларнинг лингвостилистик вазифалари” номли учинчи фаслида деопозитонимлар бадиий адабиёт тилида поэтонимнинг бошқа турлари сингари асарнинг маъновий-услубий имкониятларини таъминлашда муҳим восита экани далилланган. Гарчи деопозитоним муайян табиат ҳодисасининг тилдаги аниқ номи бўлса-да, бадиий нутқда маъноси кўчганлиги аёнлашади. Шу тариқа бу нутқ оддий эмас, балки бадиий нутқ эканлиги равшанлашади. Чунки табиат ҳодисалари номларининг кундалик ва бадиий нутқдаги вазифалари бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Масалан:

Бу не тўфон, бу не қисмат
Сочилиб кетди алҳол,
Ер остию ер устига
Бухорийлар дон мисол.¹⁷

Садриддин Салим Бухорий қаламига мансуб ушбу мисраларда “тўфон” гарчи шамолнинг кучли бир турининг номи бўлса-да, бу ўринда рамзий-ижтимоий маънода халқнинг бошига тушган хўрлик, зулм маъносини ифодалаш учун келтирилган.

Деопозитонимлар муайян бадиий матн яратиш учун лингвопоэтик жиҳатдан актуал бўлак сифатида танланганда сарлавҳа даражасига кўтарилиши мумкин. Қор, ёмғир, туман ҳодисалари шеърятда энг кўп қўлланадиган деопозитонимлардир. Кўпинча улар инсон дардига ўхшатилади. Табиат ҳодисалари кўпинча инсонларнинг феъл-атвори, хулқи ва муаммоларини ёритиш учун қиёсий манба вазифасини ўтаган.

Диссертациянинг “**Ўзбек ва француз деопозитонимларининг семантик тавсифи ҳамда таснифи**” номли қўш фаслдан таркиб топган иккинчи боби илк қисми “Ўзбек ва француз тилларида деопозитонимлар тизими” деб аталган. Дунё тилшунослигида эсиш ва ёғиш ҳаракати билан боғлиқ табиий офатларнинггина номи “анемонимлар” деб юритилса-да, ўзбек тилида бу атама остида умуман эсиш ва ёғингарчилик билан боғлиқ табиат ҳодисаларини ифодаловчи номлар (отлар) ўрганилган.¹⁸ Ундан сўнг бу мавзу ел-ёғин отлари мисолида янада чуқурроқ тадқиқ қилинган.¹⁹

Кўринадики, анемонимлар деганда, табиий офатлар номи тушунилиши лозим. Жумладан, *қуюн, бўрон, тўфон, довул, жала, сел, кўчки, вулқон, zilzila* каби. Лекин Д.В. Ваққосова ўзбек тилидаги оддий табиат ҳодисалари

¹⁶ Доржиева Г.С. Французские анемонимы в международной ономастической терминологии. (Топонимические чтения. 2). – Улан-Удэ, 2017. – С.86-93.

¹⁷ Садриддин Салим Бухорий. Бухорога Бухоро келди. Шеърлар. – Т.: Маънавият, 1999. – Б.18.

¹⁸ Ваққосова Д.В. Ўзбек тилидаги анемонимларнинг семантик таҳлили: Филол. фан. номз ... дис. автореф. – Фарғона, 2005. – 22 б.

¹⁹ Аликулов А.Ф. “Ел-ёғин” луғавий-маъновий гуруҳи (тизими, қўлланилиши ва лексикографик талқини): Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 19 б.

хамда табиий офат номларига яхлит мазмуний майдонга анемоним деб қараб, уларга алоқадор сўзлар тизимини битта микромайдон кўринишида таснифлаб кўрсатган. Шу асосда бу майдонга тўртта ички майдонча сўзларини эсиш, ёғиш, ёниш, силкиниш ҳаракатига мувофиқ келиши жиҳатидан таснифлаган.²⁰

Дарҳақиқат, ҳар бир тилнинг идеографик тил тизимида ёғиш, эсиш, ёниш, силкиниш, отилиш ҳаракатли табиат ҳодисаларини ифодаловчи номлар бор. Улар, асосан, морфологик жиҳатдан от сўз туркумига дахлдордир. Жумладан, ўзбек ва француз тилида ҳам. Булар қуйидагилардир: 1. *Эсиш ҳаракатли табиат ҳодисалари номлари. (Ўзбек тилида: шамол, шабада, ел, бод, насим, боди сабо, шаббода, елвизак, бўрон, тўфон, самум, тайфун, тўзон, довул, муссон, гармсел, изғирин, изғирик, куюн, гирдибод, уюрма, жинтўполон, ғурғурак...; француз тилида: vent, vent, vent gespille, souffle, petit vent, souffle -brise, vent, courant d'aire, tempête, inondation, samum, typhon, poussière, ouragan, le mousson, vent chaud d'été, ouragan, temps tres froid, tourbillon, ouragan, ouragan, ouragan ...*

Санаб кўрсатилган ушбу гипоним лексемалар учун “шамол” сўзи гипероним ҳисобланади. А.Ғ. Алиқулов “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да эсиш ҳаракатини ифодаловчи 34 та сўз мавжудлигини, улардан 20 тасининг лексикографик талқинида шамол сўзидан сема ифодаловчиси сифатида фойдаланилганини аниқланган²¹. 2. *Ёғиш ҳаракатли табиат ҳодисалари номлари. (Ўзбек тилида: ёмғир, жала, сел, дўл, қор, лайлакқор, қорбўрон, қумбўрон, тошбўрон, шудринг, қиров, туман...; француз тилида: pluie, pluie torrentielle, inondation, grêle, neige, cigogne neige, tempête de neige, le sable-orage, rocher-orage, rosée, gel, brouillard...).* Бу гипоним лексемалар учун “ёғин” сўзи гипероним ҳисобланади. 3. *Ёниш ҳаракатли табиат ҳодисалари номлари. (Ўзбек тилида: шуъла, нур, чакмоқ, момақалдиروق, чақин, яшин...; француз тилида: la lumière, la lumière, la foudre, le tonnerre, la foudre, la foudre...).* 4. *Силкиниш ҳаракатли табиат ҳодисалари номлари. (Ўзбек тилида: зилзила, гирдоб, тўлқин...; француз тилида: tremblement de terre, vortex, vague...).*

Бизнингча, табиатда эсиш, ёғиш, ёниш, силкиниш ҳаракатидан ташқари яна чиқиш, отилиш ҳаракатли табиат ҳодисалари номлари ҳам бор. Булар: 5. *Чиқиш ҳаракатли табиат ҳодисалари номлари. (Ўзбек тилида: камалак...; француз тилида: arc en ciel ...).* 6. *Отилиш ҳаракатли табиат ҳодисалари номлари. (Ўзбек тилида: вулқон; француз тилида: volcan).*

Табиат ҳодисалари ва табиий офатлар номини ифодаловчи лексемаларни эсиш, ёғиш, ёниш, силкиниш, чиқиш, отилиш ҳаракати билан боғлиқликда таснифлаш нисбийдир. Негаки, улардан айримлари ҳосил бўлишида бир неча ҳаракат тури аралаш кузатилади. Айтайлик, шудринг, туман гарчи осмондан ёғилса-да, деярли “шудринг ёғибди” дейилмайди,

²⁰ Ваққосова Д.В. Ўзбек тилидаги анемонимларнинг семантик таҳлили: Филол. фан. номз ... дис. автореф. – Фарғона, 2005. – Б.7.

²¹ Алиқулов А.Ғ. “Ел-ёғин” луғавий-маъновий гуруҳи (тизими, қўлланилиши ва лексикографик талқини): Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 19 б.

балки “шудринг тушибди” деб айтилади. Шунингдек, осмондан ер узра ёғиладиган қиров ва туман ҳодисаларига нисбатан ҳам ёғди деб эмас, тушди ёки қоплади феъли қўшиб айтилади: қиров тушди, туман тушди, қиров қоплади, туман қоплади каби.

Ёғин ҳодисаларини ифодаловчи лексик бирликлар кўпинча сабаб-оқибат диалектикаси асосида приватив зиддиятда бўлади: Ёғин – сабаб / халқоб, лой – оқибат каби.

Деопозитонимлар нутқий воқеланишида моносемантик (бир маънолилиқ), полисемантик (кўп маънолилиқ), синонимлик (маънодошлиқ), омонимик (шаклдошлиқ), антонимлик (зидлик), гипонимик (уядошлиқ) муносабатларга эгаллигини намоён этади. Улар фонетик тузилиши жиҳатидан бир, икки, уч, тўрт, беш бўғинли бўлиши, ясалишига кўра тарихийлик ва замонавийлик нуқтаи назаридан диахроник ва синхроник, ясамалиги жиҳатидан содда ва қўшма ясалишли бўлиши, вазифавий-услубий хусусиятлари бўйича сўзлашув ва китобий услубга дахлдорлиги, нутқда фаол ва нофаллиги, ономосиологик-номинацион хусусиятга эгаллиги кузатилади. Деопозитонимлар бошқа луғавий бирликлар (антропоним, топоним, зооним, мифоним) билан ўзаро алоқада турли нарса-ҳодисалар номига айланиши мумкин. Луғат қатлами (этимологияси)га кўра ўз қатлам (асл туркий сўзлар), ўзлашган қатлам (бошқа тиллардан олинма сўзлар)дан иборат. Эмоционал-экспрессив жиҳатига кўра эмоционал-экспрессив бўёқдор ёки бўёқсиз бўлиши, модификацион семантик кучли-кучсиз даражаланиши (градуномияси)га кўра ҳам ўзаро фарқланиши намоён бўлади. Тузилишига кўра содда, қўшма, жуфт, такрор кўринишларда, ясалиши жиҳатидан туб ва ясама ҳолатларда учрайди.

Иккинчи бобнинг “Табиий ҳодисалар номлари семантикаси” фаслида ўзбек ва француз тили тил ва нутқ тизимида табиат ҳодисалари номлари билан боғлиқликда келиб чиққан сўз ва сўз бирикмалар кўп бўлиб, ўзига хос ўрин тутиши, уларнинг ҳар бири муайян семантик, морфологик ва стилистик хусусиятлари билан эътиборни тортиши, бадий матнларда турли денотатив ва коннотатив маъноларда қўлланиб келиши масалаларига эътибор қаратилган. Бу ўринда момақалдирак, Гулдурмомо, чакмоқ, яшин, чақин ҳодисалари ҳақидаги асотирий талқинлар асосида бу ҳодисаларни ифодаловчи сўзларнинг бир уяга киритилиш сабаблари ёритилган.

Тунги осмонда шуъла сочган чакмоқ ҳам ваҳимали, ҳам жозибали, ҳам ёрқин кузатилиши боисидан *тунги чакмоқ* бирикмаси нутқда кўп қўлланади. Француз шоири Пьер Ревердининг (1889-1960) “*Naissance a l’orage*” – “Бўроннинг туғилиши” шеърида ҳам тун чакмоғи ҳақида сўз юритади:

Аслиятда	Таржимада
Toute la face ronde	Зим-зиё самонинг бурчи ҳам
Au coin sombre du ciel L’epée	Бори юз айланар дам-бадам
La mappe monde	Бир қилич
Sous les rideaux de l’air	Ярим шар картаси
Des paupieres plus longues	Остида Ҳавонинг пардасин
Dans la chambre a l’envers	Жуда ҳам солиқдир қабоғи

Un nuage s'effondre La nuit sort d'un éclair.	Ёришар хонанинг у ёғи Бир булут қулайди ногаҳон Чақмоқдан тун чиқар шу замон.
--	---

Ушбу шеър француз тилидан ўзбек тилига Аъзам Обидов томонидан қуйидагича ўгирилган.²² Унда само (осмон), “қовоғи солиқ” ҳаво пардаси, булут, чақмоқ сўзлари маъносига кўра яқинлик, уядошлик ҳосил қилгани учун таносиб санъатини келтириб чиқарган. Тунда чақнаган чақмоқ бир муддат атрофни ёритади, аммо сўниши билан тун янада зим-зиё бўлади. Шеърда шоир “чақмоқдан тун чиқар” деб, шу воқеликка ишора қилиш билан бир қаторда ёруғлик ва зулмат, ҳаёт ва ўлим тушунчаларини ички мантиққа асосан зидлантирган.

Маълумки, ўзбек тилида “чақмоқ” сўзи шакл ва маъно муносабатига кўра омоним сўз ҳисобланади. У уч сўз туркуми доирасида омонимлик ҳосил қилади: чақмоқ – от, табиат ҳодисаси номи; чақмоқ – от, ўт олдириш асбоби номи; чақмоқ – от, қанд турининг номи: *чақмоқ қанд* (тўртбурчак шаклли қанднинг ҳар бир бўлаги); чақмоқ – феъл, ҳаракат номи: а) писта, бодом, ёнғоқ ва шу каби қаттиқ пўчоқли меваларни ёки баъзи хўл меваларнинг данакларини тишлаб ёки бирор нарса билан уриб ёрмоқ, б) қаттиқ нарсани синдириб майдаламоқ, бўлак-бўлак қилмоқ; ушатмоқ; в) бир-бирига уриб, суртиб, олов чиқармоқ; ёндирмоқ; г) тишлаб ёки найзасини санчиб жароҳатламоқ, оғритмоқ ёки захар солмоқ (илон, чаён, ари каби газандалар, чумоли, бурга, чивин каби ҳашаротлар ҳақида); д) бировга бировни ёмонламоқ, чақимчилик қилмоқ, гап ташиб, ғийбат қилмоқ; чақмоқ – сифат, нарса тури-хусусияти: *чақмоқ телпак* (тепаси духобадан, жияги тулки, сувсар ёки қундуз мўйнасидан тикилган қимматбаҳо телпак), *чақмоқ мўйлов* (*қоп-қора, хушбичим мўйлов*).

“Чақмоқ” сўзи феъл (ҳаракат номи) сифатида қўлланганда кўчма маънони ҳам ифодалаб кела олади. Масалан, “*мақолнинг маъзини чақмоқ*” деганда, айтилган фикрнинг мазмун-моҳиятини англамоқ; ечимни топмоқ тушунилади. Шунингдек, “пулга чақмоқ” бирор нарса ёки бажарилган ишнинг қийматини пул билан белгиламоқ, ўлчамоқ, “*гап билан чақмоқ*” аччиқ гаплар айтмоқ маъносини англатиб келади.

Шунингдек, камалак ҳам табиатнинг ўзига хос энг гўзал ҳодисаларидан бири сифатида қадимдан одамларнинг эътиборини тортиб келган. Ўзбек мифологиясида камалак эгизаклар культига ишонч асосида ўқ ва ёй, Ҳасан-Ҳусан сингари жуфтликлар тимсолида ифода этилади. Шунинг учун кўпгина туркий, жумладан, ўзбек халқи тилида камалак маъносида “Ҳасан-Ҳусаннинг ёйи” мифоними қўлланади.²³

Француз тилида камалак “Arc-en ciel” сўзи билан юритилади. Шу номда Пьер Кораннинг шундай сатрлари бор:²⁴

Аслиятда	Таржимада
----------	-----------

